



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 17 июнь, № 122 (9293)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Касималиев, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов ва Беларусь Республикаси Бош вазири Александр Турчинни қабул қилди.



Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг самимий салом ва энг эзгу тилаklarини етказди. Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Товар айирбошлаш барқарор ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан буён унинг ҳажми 20 фоизга ошди. Энергетика, металлургия ва иқтисодиётнинг

бошқа устувор тармоқларида йирик лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиш суъратини сақлаб қолишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш ҳамда саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон етакчиси ҳудудлар даражасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда маданий ва таълим алмашинуви дастурларини илгари суриш муҳимлигини таъкидлади. Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари

Адилбек Касималиев учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаровнинг самимий салом ва эзгу тилаklarини етказди. Икки мамлакат етакчилари ўртасида савдо-иқтисодиёт, транспорт, сув-энергетика соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш, шунингдек, маданий-гуманитар дастурлар ва ҳудудлараро алмашинувларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзаро ҳамкорлик ва бўлажак олий даражадаги тадбирлар кун тартибини бойитиш мақсадида Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишлар

ри давомида ҳамда бошқа шериклик механизмлари доирасида янги лойиҳа ва ташаббусларни ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг самимий салом ва энг эзгу тилаklarини етказди. Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама шерикликнинг барча йўналишларидаги юқори суърат мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ўсиб бормоқда, энергетика, саноат, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларидаги кооперация лойиҳалари фаол босқичда. Янги ташаббусларни, жумладан, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувлар доирасида ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АЛБАНИЯ АЛОҚАЛАРИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай рафиқаси ҳамроҳлигида расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Замонавий дунёда давлатлараро муносабатларнинг муваффақияти харитадаги масофаларга боғлиқ бўлмай қолди. Бугун дўстона алоқалар сиёсий ирода ва ўзаро манфаатлар уйғунлиги билан белгиланмоқда. Ўзбекистоннинг янгича, очик ва прагматик ташқи сиёсий стратегияси узоқ ва яқин ҳамкорлар билан тенг ҳуқуқли ҳамда дўстона алоқаларни изчил мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. Албания Республикаси билан муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши бу фикрнинг яққол исботидир.

Икки давлат ўртасида фаоллашётган олий даражадаги сиёсий мулоқот нафақат дипломатик алоқаларни кенгайтириш, балки

иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги улкан салоҳиятни рўёбга чиқариш учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Ўзбекистон ва Албания ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихи 1993 йилга бориб тақалади. Лекин сўнгги йилларда ушбу алоқалар бутунлай янги мазмун ва суръат касб этди. 2025 йил 23 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси доирасида Ўзбекистон Президентининг Албания Президенти Байрам Бегай билан ўтказган музокаралари икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим босқич бўлди. Ўз навбатида, агросаноат мажмуи, “яшил” энергетика, геология, ахборот технологиялари ва рақамлаштириш соҳаларидаги кооперация дастурлари ҳар икки томон учун иш ўринлари ва ишлаб чиқариш қувватларини яратди.

Сиёсий доиралардаги юқори ишонч ва маданий-гуманитар соҳадаги алмашинувлар халқларимизни янада яқинлаштириши шубҳасиздир. Ўзбекистон ва Албания ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати, шубҳасиз, янги босқичга кўтарилди. Кўксарой қароргоҳида 16 июнь куни Албания Республикаси Президенти Байрам Бегайни расмий қутиб олиш маросими бўлди. Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қутиб олиб, шохсупага таклиф қилди. Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Албания давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутлади-лар. Шундан сўнг Кўксарой қароргоҳи

ҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказдилар. Икки давлат ўртасида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари кўриб чиқилди. Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Албания муносабатлари тарихида илк бор ўтказилаётган ушбу саммит алоҳида аҳамиятга эга эканини, унинг икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишини қайд этди. Сиёсий мулоқот ва турли даражадаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАЛАЙЗИЯ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда тўхтаб ўтган Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим билан учрашув ўтказди.

Самимий мулоқотда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, уларни амалий мазмун билан бойитиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Олий даражадаги ўзаро ташрифлар натижасида мамлакатларимиз ҳамкорлиги мутлақо янги босқичга кўтарилди. Хусусан, йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга ўсди, қўшма корхоналар сони эса 50 тага етди. Турли даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари айни кунларда Ўзбекистонда бўлиб турган Малайзиянинг “Petronas” корпорацияси делегацияси билан музокараларнинг аҳамиятига тўхталиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида стратегик лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш зарурлигини қайд этди. Жумладан, нефть-кимё, юқори технологиялар, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, фармацевтика ва бошқа устувор соҳалардаги лойиҳаларни илгари суришга эътибор қаратилди. Мулоқот давомида ислом молияси, ҳудуд-

лараро алоқалар, зиёрат туризми, тўғридан-тўғри авиакатновлар сонини ошириш ҳамда маданий алмашинувлар йўналишларидаги ҳамкорлик истиқболларига ҳам тўхталиб ўтилди. Халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди. Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимни Ўзбекистонга алоҳида ташриф билан келишга таклиф қилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ЙўНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкент халқаро инвестиция форуми тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Эксимбанки президенти ва раиси Жон Йованович ҳамда Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Бэн Блэк билан учрашув ўтказди.

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмонлар давлатимиз раҳбарига АҚШ Президенти Дональд Трампнинг самимий салом ва эзгу тилаklarини етказди. Музокаралар давомида мазкур институтларнинг Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантириш, муҳим минералларни ўзлаштириш, энергетика, сунъий интеллектни жорий этиш ҳамда рақамлаштириш каби юқори технологияли стратегик лойиҳаларни боғийлаштиришда иштирок этиши билан долзарб масалалар атрофлича кўриб чиқилди. АҚШ Эксимбанки билан ҳамкорлик йўналишида энергетика тармоғини модернизация қилиш бўйича қўшма лойиҳаларни жаддлаштириш юзасидан келишувга эришилди. Маҳаллий тадбиркорларнинг устувор соҳалардаги ташаббуслари учун экспорт кредитларини тақдим этишни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. “DFC” корпорациясининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, энергетика тармоғи ва инфратузилмани модернизация қилишга қаратилган қўшма инвестиция платформасини ишга тушириш бўйича ташаббуслари қўллаб-қувватланди. Тошкентда янги халқаро аэропортни куриш, Фарғона вилоятида замонавий тиббиёт мажмуасини ташкил этиш, рақамли банкни ишга тушириш, дата-марказлар ва куруқ портларни барпо қилиш каби йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг амалий босқичига ўтиш зарурлиги таъкидланди. Учрашув якунида муҳокама қилинган ин-

вестициявий ва технологик лойиҳаларни илгари суриш бўйича қўшма “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШнинг етакчи компаниялари делегацияси билан ҳам учрашди. Учрашувда АҚШ Эксимбанки президенти ва раиси Жон Йованович, Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Бэн Блэк, АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм ҳамда “Air Products”, “Cove Capital”, “Templeton Global Investments”, “Boeing”, “77 Construction”, “BlackRock”, “FLS”, “Visa”, “JP Morgan”, “Meta”, “GULF” корпорациялари раҳбарлари ва яна бир қатор компаниялар вакиллари иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур учрашув охириги йилларда вужудга келган яхши анъананинг давоми, АҚШ ишбилармонларининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиришга қизиқиши ортиб бораётганининг тасдиғи эканини мамнуният билан қайд этди. Иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг асосий таянч нуқталаридан бири экани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз етакчиси икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор долзарб йўналишларни белгилаб берди.

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳарбий хизматчиларнинг мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишга, одил судловни амалга оширишга, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга, Сув кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар киритишга қаратилган қонун лойиҳалари ҳамда парламент назоратига доир қатор масалалар қўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳалари сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталар, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилингани қайд этилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинди

Мажлисда дастлаб “Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб хизмат ва яшаш шароитларини яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қафолатлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси ҳам ана шу ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигига оид муносабатларни, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматда бўшатишган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ягона қонун даражасида тартибга солишни назарда тутди.

Қонун лойиҳасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қафолатлар назарда тутилмоқда. Хусусан, ҳарбий хизматчиларни моддий таъминлаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уй-жойга эга бўлиш, мажбурий давлат сууртаси ва пенсия таъминоти, шунингдек, хизмат вазифасини бажариш чоғида жароҳат олган ёки ҳалок бўлган тақдирда компенсация тўловларини амалга ошириш каби механизмлар қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Мажлисда мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан уни иккинчи ўқишга тайёрлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар, соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижалари атрофлича ўрганилгани ургуланди.

Шерзод ҚУЛМАТОВ, масъул қўмита аъзоси:

— Биринчи ўқишда депутатлар томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга оид айрим нормаларни аниқлаштириш, ижтимоий қафолатларни кучайтириш, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мазмунини янада равшан ифодалаш, қонун нормаларини амалиётда қўллашга юзга қелиши мумкин бўлган турлича талқинлари бартараф этиш ҳамда қонуннинг тўғридан-тўғри амал қилиш механизмларини яхшилашга қаратилган таклифлар билдирилган эди. Мазкур таклифлар қўмита ва ишчи гуруҳ йиғилишларида ҳар томонлама муҳокамадан ўтказилиб, уларнинг аксарияти қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида инобатга олинди. Натижада лойиҳанинг қатор нормалари таҳририй ва юридик-техник жиҳатдан қайта ишланди. Айрим қоидаларнинг мазмунини аниқлаштирилиб, ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун қулай бўлган ҳуқуқий механизмлар шакллантирилди. Шунингдек, лойиҳадаги нормаларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқий бўлишлар ва турлича талқин қилиниши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш, қонуннинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги самарадорлигини ошириш мақсадида қўшимча таҳрирлар киритилди.

Муҳокама жараёнида айтилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда ягона ҳуқуқий ёндашуви шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш, ижтимоий қафолатларни мустаҳкамлаш ҳамда ҳарбий хизмат нуфузини янада оширишга кенг йўл очди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Ҳимоячиға «ҳимоя фикри»ни тақдим этиш ҳуқуқи берилмоқда

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси суд-ҳуқуқ тизимида томонларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги принципини янада кучайтириш, адвокатларнинг процессуал имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Лойиҳа билан Жиноят-процессуал кодекси ҳамда “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Лойиҳаға кўра, жиноят иши судға фақат айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирға киритилиши белгиланяпти.

Шунингдек, ҳимоячиға дастлабки тергов ёки суриштирув аяқланганидан кейин беш сўтқа ичидә “ҳимоя фикри”ни тақдим этиш ҳуқуқи берилиши белгиланмоқда.

Киритиләйтган ўзгартириш ва қўшимчалар суд муҳокамаларида тенгликни таъминлаш, судьянинг иш бўйича ҳар икки томон фикри билан олдиндан танишишға имконият яратиш ҳамда одил судлов сифатини оширишға ҳўсса қўшади. Мазкур қонун лойиҳаси қабул қилиниши билан суд жараёнарида тортишув принципи мустаҳкамланади, адвокатнинг роли ва таъсири ортади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Яроқлилик муддати ўтган товарларни сотишға қарши чоралар кучайтирилмоқда

Депутатлар яроқлилик муддати ўтган ва бу муддат кўрсатилмаган ҳолда товарларни реализация қилиш ҳамда сотишнинг олдини олишға қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чиқди.

Таъкидланганидек, амалда яроқлилик муддати ўтган, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги белгиланган товарларни уларнинг ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддатини кўрсатмаган ҳолда реализацияси билан шугулланиш ва сотишға қабул қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бирок шунға қарамай бугунги кунда айрим савдо дўконларида бу тартиб-қоидаларға амал қилинмаслиги натижасида инсон саломатлигига таъсир этувчи ҳолатлар ошиб бормоқда.

Бу эса истеъмол бозоридә хавфсизлиқни таъминлаш, аҳоли саломатлигига хавф тудғуврчи ҳолатларнинг олдини олишни, тадбиркорлик субъектларининг масъулиятини янада ошириш ва ҳуқуқбузарлиқларнинг олдини олишға қаратилган превентив чораларни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, яроқлилик муддати ўтган, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда реализацияси билан шугулланиш ва сотиш мақсадида қабул қилганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жарималар миқдорини ошириш назарда тутилмапти. Ҳужжатнинг асосий мақсади аҳоли саломатлиги ва ҳаётини мустаҳкамлашдан иборат.

Муҳокама давомидә депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти, айна чогда заруратини эътиборға олиб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Хусусан, 178-модданинг еттинчи қисмида яроқлилик муддати ўтган ёки муддати кўрсатилиши шарт бўлган ҳолатлар бўйича қоидалар бузилган ҳолатда жавобгарлик кучайтирилаётгани, бирок ушбу модданинг олтинчи қисмида ҳудди шу масала учун жавобгарликни кучайтириш назарда тутилмаётгани билан боглиқ масалалар кўтарилди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Сув ҳўжалигида рақамли бошқарув тизими кенгаймоқда

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда обдан муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда юртимизда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларнинг ҳисобини юриштиш ҳамда мониторингини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айнақса, соҳани рақамлаштириш, замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтиришға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муҳокама қилинган қонун лойиҳаси ҳам мазкур ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, сув ҳўжалиги йўналишидаги мавжуд муносабатларни янада такомиллаштиришға қаратилган. Хусусан, лойиҳада сувдан фойдаланиш тўғрисидаги шартномаларни махсус ахборот тизими орқали автоматлаштирилган тарзда электрон шаклда рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда. Депутатлар фикрича, мазкур янгиллик инсон омилни камайтириш, ортиқча бюрократик жараёнларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари самарадорлигини оширишға хизмат қилади.

Муҳокама давомидә депутатлар сув ресурслари иктисодий тараққиёт, экологик барқарорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин туттишини таъкидлади. Шу боис мазкур соҳада замонавий бошқарув усулларини кенг жорий этиш, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш ва хусусий сектор имкониятларини жалб қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири экани қайд этилди.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан қатор аниқлаштирувчи саволлар кўтарилди, тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Обиҳаётни муҳофаза қилишда масъуллиқ

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида қиртилган — “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, суварларнинг давлат ҳисобини юриштиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, сув ҳўжалиги объектлари ва қурилмаларидан фойдаланиш масъулиятини кучайтириш бугун жуда муҳим.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Хусусан, суварларнинг давлат ҳисобини юриштиш, сув ҳўжалиги объектлари ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиқни бевосита масъул шахсларға нисбатан қўллаш назарда тутилмапти. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик мансабдор шахс томонидан содир қилинган ҳолатларда нисбатан қатъийроқ жавобгарлик чораларини белгилаш ҳамда тақоран содир этилган ҳуқуқбузарлиқлар учун жарималар миқдорини ошириш таклиф қилинмоқда.

Махсуд МУҲАММЕДОВ, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси:
— Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини асраш мақсадида оқова суварини чиқариш тармокларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини такомиллаштиришға қаратилган нормалар ҳам қўйилмадан ўрин олган. Чўнки фуқаролар саломатлигини асраш бугунги кунда долзарб масала. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, мазкур қонун лойиҳаси сув ресурсларидан самарали фойдаланишини таъминлаш, соҳада ҳуқуқбузарлиқларнинг олдини олиш ҳамда обиҳаётни муҳофаза этиш тизимини янада кучайтиришға хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Адлия вазирининг ахбороти эшитилади

Мажлисда Адлия вазир А. Тошқуловнинг “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектлари-

нинг интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала қўриб чиқилди.

Маълумки, интеллектуал мулк (интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш) соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро тузилмаларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатини ифодаловчи ваколатли давлат органи Адлия вазирлигиндир.

Сўнгги йилларда вазирлик томонидан фуқаролар ҳамда тадбиркорлар учун қулайлик яратиш мақсадида интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш ва улар бўйича давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини босқичма-босқич соддалаштириш, электрон ҳужжатлар, QR-код орқали тасдиқлаш механизмлари ва идораларо ахборот алмашинуви тизимларини жорий этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирға, интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, соҳани рақамлаштириш, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини замон талабларига мослаштириш, интеллектуал мулк объектлари қўлланган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда ўз номи (бренди)га эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш зарурати ҳам мавжуд.

Мажлисда шундан келиб чиқиб, мазкур масала юзасидан Адлия вазирининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Ёшлар бандлиги масаласи — парламент назоратида

Депутатлар Ёшлар ишлари агентлиги директори А. Саъдуллаевға “Ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, бундай жиноятлар содир этилишига олиб келган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани ҳам қўриб чиқди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш, таълим олиши, касб-хўнар эгаллаши ва тадбиркорлик билан шугулланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, иш билан банд бўлмаган ёшларни касб-хўнарга, тадбиркорлик қўнималарига ва хорижий тилларга ўқитиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ишлари ҳам тизимли амалга оширилмоқда. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида китобхонлик, маданият ва санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари ҳамда спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Азиза АМИНОВА, Коррупцияға қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:

— Кайд этиш жоизки, ҳудудларда ўтказган ўрганишлар ва ёшлар билан ўрашувларимиз аяқуларни бўйича мазкур вазифаларни амалга оширишда айрим муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётгани аниқланган. Жумладан, баъзи маҳалларда ёшларни спорт, маданият, китобхонлик ва ахборот технологиялари тўғрақларига жалб қилиш ишлари етарлича ташкил этилмаган. Ишсиз ёшларни касб-хўнарга ўқитиш, тадбиркорликка йўналтириш ва доимий бандлигини таъминлаш бўйича яратилган имкониятлар жойларда барча ёшларға тўлиқ етказилмаган. Бу борадаги ишларни фаоллаштириш бугунги кунда жуда муҳим.

Мажлисда шундан келиб чиқиб, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, улар билан манзилли ишлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, спорт, маданият, китобхонлик ва ахборот технологиялари соҳаларига жалб этиш ҳамда бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш ҳақида Ёшлар ишлари агентлиги директори парламент сўрови юбориш бўйича қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ЖАРАЁН 3 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

Шу йил 12 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси учинчи қисмининг бешинчи хатбошии Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29, 65 ва 141-моддаларига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги мурожаатини қўриб чиқди.

Миллий марказнинг фикрича, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 3-моддаси учинчи қисмининг бешинчи хатбошиида адвокат шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатида фаолият юритиши мумкинлиги белгиланган бўлса-да, унда адвокатнинг тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларида худди шундай асосда фаолият юритиши назарда тутилмаган. Бу эса тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг Конституцияда белгиланган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқларини чеклайди. Шу сабабли мурожаатда мазкур норманинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29, 65 ва 141-моддаларига мувофиқлигини аниқлаш сўралган.

“Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, адвокат: илмий ва педагогик фаолият; Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолият; патент вакили ва медиатор сифатидаги фаолият; шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг, давлат муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатидаги фаолият; ҳақамлик судларига ва халқаро тижорат арбитражларида судья сифатидаги фаолият; суд бошқарувчиси сифатидаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16-моддасининг иккинчи қисмига кўра, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Конституция асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинади. Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принциплари ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, Конституцияда ҳар кимнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи қафолатланиши, Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши белгиланган.

“Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, адвокатура — ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шугулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шугулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, қўнгилли, касбий бирлашмалари ўз ичига олади. Адвокатура Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига, фуқароларли бўлмаган шахсларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.

Қонуннинг 91-моддасига мувофиқ, адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс ўртасида тузилдиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Бинобарин, адвокатнинг шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатида фаолият юритиши унинг бошқа тадбиркорлик субъектларига, жисмоний ва юридик шахсларга, нодавлат нотижорат ташкилотларига шартнома асосида адвокатлик хизмати кўрсатишини чекламайди.

Шунингдек, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 3-моддаси учинчи қисмининг бешинчи хатбошии матни мазмунидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида фаолият юритувчи адвокат мазкур ташкилотнинг штатдаги ходими ёки давлат фуқаролик хизматчиси ҳисобланмаслиги аниқланади. Шу маънода, қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги қўриб чиқилаётган банди адвокатнинг бошқа мулк шаклига асосланган тузилмалар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузишга монелик қилмайди.

Бундан қўринадики, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 3-моддаси учинчи қисмининг бешинчи хатбошисига асосан адвокатнинг шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатидаги фаолияти Конституциянинг ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи қафолатланиши ҳамда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши тўғрисидаги нормаларига тўлиқ мос келади.

Қўриб чиқилаётган масала бўйича суд мажлисида иштирок этган манфааддор ташкилотлар вакиллари ҳам “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 3-моддаси учинчи қисмининг бешинчи хатбошии Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29, 65 ва 141-моддаларига номувофиқ эмас деган мазмунда тушунтиришлар берди.

Миллий марказ ўз мурожаатида “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 7-моддасининг олтинчи қисмида белгиланган адвокатнинг давлат хизматида туриши мумкин эмаслиги ҳақидаги ваҳми келтирган. Ваҳоланки, қонуннинг ушбу нормаси адвокатга давлат ташкилотларининг шарт билрикларида белгиланган лавозимларда фаолият юритишни тақийлайди.

Таъкидлаш жоизки, “давлат хизмати” деганда фақат давлат фуқаролик хизмати ташкилоти керак. Чўнки “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига асосан давлат фуқаролик хизмати — давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларида давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолияти ҳисобланади. Кенг маънода давлат хизмати деганда давлат ташкилоти мақомидаги барча юридик шахслардаги, шу жумладан, давлат муассасаларидаги фаолият тушунилади. “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 7-моддасининг олтинчи қисмида адвокатнинг айнан шундай ташкилотлар штат жадвалида фаолият юритиши тақийланган.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 3-моддаси учинчи қисми бешинчи хатбошиидаги белгиланган адвокатнинг шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатидаги фаолияти адвокатнинг давлат хизматида туриши сифатида талқин этилмаслиги лозим.

“Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддаси олтинчи қисмидаги тақий ушбу қонуннинг 3-моддаси учинчи қисми бешинчи хатбошиидаги нормаға тааллуқли эмас. Чўнки адвокат давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматиға шартномавий-ҳуқуқий (фуқаролик-ҳуқуқий) асосда жалб этилади. Бунда иш берувчи ва адвокат ўртасида меҳнат муносабатлари юзга қелмайди.

Конституциявий суд кўрсатиб ўтилган ҳолатларни инобатға олиб, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 3-моддаси учинчи қисмининг бешинчи хатбошии Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ деган ҳулосаға қелди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди.

«ЎЗАВТОСАНОАТ» ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ КОМПЛЕАЕНС СТАНДАРТЛАРИ

Коррупцияға қарши курашиш, очиклиқни таъминлаш ва давлат иштирокидаги йирик компанияларда самарали бошқарув тизимини жорий этиш кейинги йилларда мамлакатимизда эътибор марказидаги масалалардан. Бу жараёнда “Ўзавтосаноат” АЖ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар алоҳида аҳамиятга эга. Чўнки автомобилсозлик соҳаси нафақат ишлаб чиқариш ва санаят, балки минглаб ходимлар, юзлаб ҳамкорлар, йирик шартномалар ва кенг тармокли бошқарув тизимини ўз ичига олади.

Муваффақият формуласи

“Ўзавтосаноат” АЖ бугунги кунда 20 дан ортиқ ташкилотларни бирлаштирган йирик компания сифатида фаолият юритмоқда. Шу боис комплеанс, яъни қонун-қоидаларға мувофиқлик ва ҳалол бошқарув тизимини кучайтириш оддий ташкилий масала эмас, балки бутун тармок барқарорлиги, ишонч муҳити ва халқаро ҳамкорлик

Балиқ ови сайёҳларни кутмоқда

Инсон саломатлиги учун фойдали бўлган машғулотлардан бири балиқ ови ҳисобланади. Чунки бу жараёнда фикр жамланиб, асаб тинчланади ва марокли ҳордик чикариш мумкин. Балиқ гўшти эса организм учун зарур бўлган юқори сифатли оқсил, "Омега-3" ёғ кислоталари ва "Д" витаминига ўта бой пархезбоп маҳсулот эканини кўпчилик яхши билади.



Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш департаменти томонидан Шаҳрисабз туманининг Мираки қишлоғи ҳудудига амалга оширилаётган янги лойиҳа сайёҳларга шундай имконият яратяпти.

— Балиқчилик мажмуасини 3,5 гектар майдонда ташкил этдик, — дейди департамент директори Сарвар Қаюмов. — Бу масканда сайёҳлар балиқ овлаши, шу билан бирга, ўзлари тугган балиқдан таом тайёрлаб истеъмол қилиши мумкин бўлади.

Айни пайтда лойиҳа доирасида 20 та ҳовузда гулмоҳи (форель) балигини парваришlash йўлга қўйилди. Натижада йилга қарийб 160 тонна балиқ етиштирилиб, маҳаллий бозорга чикарилиши прогноз қилинмоқда. Бундан ташқари, мажмуадаги учта ҳовузда танга балиғи парваришланаяпти.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

«Aloqabank» ATB aksiyadorlari diqqatiga!

Aksiyadorlik tijorat "Aloqabank" Kuzatuv kengashining 2026-yil 3-iyundagi 21-bayoniga asosan, bank tomonidan **845 256 750 000** dona egasining nomi yozilgan oddiy aksiyalar chiqarildi. Mazkur chiqarilish 2026-yil 16-iyun kuni O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi tomonidan P0021-32-son bilan ro'yxatga olindi. Aksiyalarni joylashtirish narxi bir donasi uchun **1 (bir) so'm** etib belgilangan.

Imtiyozli huquqdan foydalanish

O'zbekiston Respublikasining "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq, **2026-yil 3-iyun** holatiga bankning ovoz beruvchi oddiy aksiyalariga ega bo'lgan aksiyadorlar ushbu qo'shimcha chiqarilgan aksiyalarni o'zlariga tegishli aksiyalar miqdoriga mutanosib ravishda, belgilangan narxda imtiyozli sotib olish huquqiga ega.

Aksiyalar sonini aniqlash tartibi

Aksiyadorlar sotib olishga haqli bo'lgan aksiyalar soni quyidagi formula asosida hisoblanadi:

$$B = \frac{A \times 845\,256\,750\,000}{2\,829\,193\,296\,965}$$

Bunda:

- **A** — aksiyadorning bank ustav kapitalidagi mavjud oddiy aksiyalari soni;
- **B** — aksiyador tomonidan imtiyozli huquq asosida sotib olinadigan yangi oddiy aksiyalar soni.

Eslatma: hisoblash natijasida verguldan keyingi qoldiq son 5 va undan yuqori bo'lsa — katta tomonga (butun songacha), 5 dan kam bo'lsa — kichik tomonga qarab yaxlitlanadi.

To'lov va hujjatlarni topshirish shartlari

To'lov shakli: O'zbekiston Respublikasi milliy valyutasida (so'mda), naqd pulsiz shaklda amalga oshiriladi.

Amal qilish muddati: imtiyozli huquq 2026-yil 17-iyundan 26-iyungacha (26-iyun kuni ham) amal qiladi.

Imtiyozli huquqqa ega bo'lgan aksiyadorlar o'z huquqlarini to'liq yoki qisman amalga oshirish uchun bankning bosh ofisiga yozma shakldagi ariza va to'lov hujjatini taqdim etishlari lozim. Arizada aksiyadorning ismi-sharifi (nomi), yashash joyi (yuridik manzili) va sotib olinadigan aksiyalar soni aniq ko'rsatilishi shart.

Bank rekvizitlari va manzili

- **Manzil:** 100011, Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, "Olmazor" MFY, O'qchi ko'chasi, 2-uy.
- **Tranzit hisob raqami:** 29803000700000401032.
- **Bank nomi:** "Aloqabank" aksiyadorlik tijorat banki.
- **Bank kodi:** 00401.
- **Bank STIRi:** 200829053.
- **Ma'lumot uchun telefon:** 71-232-83-67.



Эртага Ўзбекистон миллий терма жамоаси мундиалдаги илк ўйинини ўтказди

Баъзан тарих бир лаҳзада ёзилади. Аммо ўша лаҳзанинг ортида йиллар давомидаги интилишлар, умидлар, аламли мағлубиятлар ва қайта-қайта тикланган ишонч мужассам бўлади. Бугун футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ана шундай тарихий воқелик марказида турибди.

ма жамоамиз эртаси кунданоқ машғулотларга киришган. Жамоамиз Атланта шаҳридаги "Atlanta United" базасида мундиал баҳсларига қизгин ҳозирлик кўрди. Машғулот майдонларида ҳар бир ҳаракат, ҳар бир машқ катта мақсад — мамлакатимиз шарафини жаҳон саҳнасида муносиб ҳимоя қилишдек улугвор мақсад билан уйғунлашган.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатининг биринчи турида Колумбия терма жамоасига қарши майдонга чиқишига санокли соатлар қолмоқда. Ҳаяжонли ушбу онларда жаҳон медиамайдони ва ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, қалбингиз фахр-ифтиҳорга тўлиши аниқ.

Дунё ахли эътиборидидаги ушбу турнирда футболчиларимиз тарихда илк бор қатнашаётганига қарамай соҳа мутахассислари, миллионлар ўйини ишқибозлари томонидан катта хайрихоҳлик билан кутиб олинмоқда. Уларни нафақат юртимиздаги миллионлаб мухлислар, балки жаҳоннинг турли нуқталарида яшаётган барча ватандошлар ҳам қўллаб-қувватламоқда. Шу билан бирга, Марказий Осиё футбол ишқибозлари Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, спортчиларимизни олға бошлайти. Қардош туркий халқлар ҳам Туркия билан биргаликда Ўзбекистон футболчиларини салимий олқишламоқда. Медиамайдонда тобора кенг тарқа-

лаётган бундай қайноқ тафтли муносабат ва қўлловлар "Оқ бўрилар"га қўшимча куч ва руҳ бағишлаётгани шубҳасиз.

Жаҳон чемпионати арафасида Ўзбекистон миллий терма жамоасига йўланган яна бир муҳим табрик эса ФИФА президенти Жанни Инфантино томонидан билдирилди. У ўзининг ижтимоий тармоқдаги расмий саҳифасида қуйидаги фикрларни ёзиб қолдирди:

"Ўзбекистон терма жамоасига бу ёзда Шимолий Америкада бўлиб ўтадиган ФИФА жаҳон чемпионатида омад тилайман!

Жаҳон футбол саҳнасидаги тарихий дебютини ўтказадиган миллий жамоага энг эзгу тилақларимни билдирман. Муҳлисларини фахрлантириш, тарихда янги саҳифа очиб ва бутун дунёга ўз имкониятларини намойиш этиш йўлида уларга муваффақият тилайман!"

Албатта, бундай эътироф ҳамда қўллаб-қувватлашлар ҳар қандай жамоага қанот бағишлайди. Аммо ҳақиқий синов майдонда кечади. Айни пайтда Америка диёрида мунтазам машғулотларни давом эттираётган футболчиларимиз мундиал муҳити, дастлабки беллашувга тайёргарлик ва олдинда турган муҳим баҳслар ҳақида қандай фикрда? Уларнинг кайфияти қандай? Жаҳон чемпионатининг илк иштирокчилари



бу тарихий паллани қандай ҳис қилмоқда?

Ана шу каби саволларга Ўзбекистон Футбол ассоциацияси медиаси вакилларининг бевосита кўмаги ҳамда ҳамкорлигида футболчиларимиз ва терма жамоамиз мураббийдан фикр-мулоҳазалар ёзиб олишга муваффақ бўлдик.

ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИ УЧУН МАЙДОНГА ТУШАМИЗ

Элдор ШОМУРОДОВ,
Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори:

— Ҳаётимизда энг катта орзуларимдан бири рўёбга чиқди. Биз ўша мақсадга эришдик. Фаолиятим давомидаги энг катта мақсадларимдан бири миллий терма жамоа билан жаҳон чемпионатида иштирок этиш эди. Мана шу имкониятга эга бўлганимиздан кейин бутун футболчилик фаолиятим, орзу ва интилуларим кўз олдимдан ўтди.

Барчамиз хурсандимиз: ниҳоят, узоқ кутган вақт келди ва мундиалдаги илк учрашувга тайёرمиз. Ҳаммаси ажойиб кетмоқда. Америка иқлимига ҳам кўникиб қолдик. Биз бу ерга эртароқ келиб, Нью-Йорк-

да ўн кунлик машғулотлар ўтказдик. Ҳозир муҳит ҳам, тайёргарлик жараёни ҳам ҳар томонлама маъқул.

Биринчи навбатда, бу жуда катта фахр. Нафақат мен учун, балки бутун жамоамиз, миллатимиз учун ҳам муҳим воқелик. Жаҳон чемпионатида фақат терма жамоа номидан эмас, балки бутун Ўзбекистон номидан иштирок этаймиз. Аввал айтганимдек, бу биз учун узоқ кутилган орзу эди.

Муҳлисларимиздан фақат бизни қўллаб-қувватлашларини сўраймиз. Албатта, насиб қилса ўз ўйинимиз



билан барча юртдошларимиз, футболсеварлар ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

ИШОНЧ — БИЗ УЧУН ЭНГ КАТТА МОТИВАЦИЯ

Аббосбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси:

— Мураббийимиз ўзининг бой тажрибасини тинимсиз машқлар давомида ўргатиб келяпти. Энг муҳими, ўйинларда сафарбарлик билан ҳаракат қилишга ундамоқда. Чўнки мамлакатимиз тарихида илк бор жаҳон чемпионатида иштирок этишининг ўзи катта шараф.

Бу ҳар бириимиз учун бахт ва катта масъулият. Мусобақада қатнашиш ҳар бир футболчининг орзуси ҳисобланади. Биз шундай им-

кониятга кўп йиллик меҳнат ва интилишлар орқали эришдик. Асосий мақсадимиз — халқимизнинг ишончини оқлаш. Шунда юзимиз ёруғ бўлади. Майдонга чиққанимизда миллионлаб юртдошларимизнинг, давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши ҳамда ишончини ҳис қилиб турабиз. Бу эса бизга янада кўпроқ куч бағишлайди.

Жаҳон чемпионатида осон рақиб бўлмайди. Лекин биз ҳар бир



баҳсда ўз имкониятларимизни намойиш этишга, жамоавий ўйин орқали яхши натижага эришишга интиламиз.



миз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ўзбекистонликларнинг орзу-умидлари ва юксак ишончини халқаро майдонда ҳам оқлайди

деган умиддамиз. Ўзбекистон жамоасига омад ёр бўлсин!

Улуғбек РЎЗИМАТОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ЖАМОАГА ТИЛАГИМ БИТТА: БУ ИМКОНИАТНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!



Фабио КАННАВАРО,
Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи:

— Жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳар бир инсоннинг орзуси. Ниҳоят, биз Атлантадамиз. Ўйинларда иштирок этишни ва бу жараёндан заъв олишни сабрсизлик билан кутаямиз. Одатда жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўриш осон кечмайди. Турли кичик муаммолар учраб туради. Аммо биз имкон қадар энг яхши ҳолатда бўлишга ҳаракат қилдик. Дастлабки ўйинга ҳам бир қадам қолди. Унга тайёр бўлиш учун қўлимиздан келган барча ишни бажарялмиз.

Майдонда бор кучимизни берамиз ва сўнгги сониягача курашамиз. Чўнки қаерда бўлишидан қатъи назар, барча ўзбекистонликлар биздан фахрлинишни истаймиз.

Менимча, Канада ва Нидерландияга қарши учрашувларда қўллаб-қувватлашларини намойиш эта олдик. Бундай даражадаги миллий жамоаларга қарши ўйнаш осон эмас. Шунга қарамай жамоамиз ўйинида қўллаб-қувватлашларини кўрдим. Бизга айнан шундай ўйинлар керак. Чўнки кучли рақибларга қарши майдонга тушганингизда доимо ниманидир ўрганасиз ва тажриба тўплайсиз.

Ростини айтсам, мен ҳимоядаги хатолар билан бирга ижобий жиҳатларни ҳам кўпроқ кўрдим.

Португалия, Колумбия ва Конго Демократик Республикасининг футбол жамоалари жуда кучли. Уларнинг икитаси дунёнинг энг кучли терма жамоалари қаторига киради. Шунинг учун ўйинлар қийин бўлишини биламиз.

Бу Ўзбекистон тарихидаги илк жаҳон чемпионати. Менинг жамоага тилагим битта: мана шу имкониятни бой берманг! Жаҳон чемпионатида ўйнаш бахти ҳар доим ҳам насиб этавермайди.

КУЧ — БИРДАМЛИҚДА

Акмал МОЗГОВОЙ,
Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси:

— Жамоамизнинг кайфияти аъло. Ҳамма ўйин бошланишини кутмоқда. Нафақат мухлисларимиз, балки биз ҳам бу лаҳзани узоқ кутдик.

Тарихда илк бор жаҳон чемпионатида чиққанимиз жуда катта ва қувончли воқеа бўлди. АҚШдаги йиғинларимиз ҳам ажойиб ўтмоқда. Кучли терма жамоаларга қарши ўртоқлик учрашувларида майдонга тушдик.

Ёшлигимдан машҳур футболчиларни кузатиб келганман. Худо хоҳласа, энди ўзимиз ҳам майдонга тушялмиз. Бу ҳаяжонни сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Мураббий ҳар бир футболчидан юз фоиз яхши натижа ва юз фоиз фидойилик кутмоқда. Бу — талаб. Насиб этса, яхши ўйин кўрсатиб мухлисларимизни хурсанд қилишга интиламиз.

Жамоамизнинг энг кучли томони — бирдамлигимиз! Биз бир оиламиз. Майдонга чиққанимизда мураббий берган кўрсатмаларни юқори даражада бажаришга ҳаракат қиламиз.



Исроилнинг Холон технологиялар институти ҳамда Янги Ўзбекистон университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 04.05 Тошпирилди — 04.05 1 2 3 4 5 6